



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 14 февраль, № 33 (7535)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлари иштирок этди.

Чегара қўшинлари фаолиятининг амалий натижалари ҳамда мамлакатимиз Куролли Кучлари Олий Бош Қўмондони томонидан 2019 йил 27 август куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизимлари ва ахбо-

рот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шунингдек, Чегара қўшинлари бўлинмаларининг куч ишлатар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Марказий Осиё давлатларининг чегара идоралари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, турли халқаро ташкилотлар билан қўшма тадбирларни кўпайтириш ҳамда хорижий шериклар билан чегараолди

ҳамкорлиқни фаоллаштириш юзасидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев минтақада савдо, туризм алоқалари ва маданий алмашинувларни мустаҳкамлаш, одамларнинг бордикелдисини кўпайтириш мақсадига фуқаролар ва хорижлик меҳмонлар учун Давлат чегарасини кесиб ўтишда қулай шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, мутасадди тузилмалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ў.А.

ТЕХНОПАРКЛАР ҚУРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий инфратузилма яратиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил юртимизда “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилинди. Барча соҳада очкилик, ошқоралик ва самарадорлиқни таъминлаш мақсадида “Электрон ҳукумат” тизими кенг жорий этилмоқда. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилиб, аҳолининг вақти ва харажатлари тежалмоқда.

Рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Бу соҳани ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ҳиндистон Республикасининг Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги қoшидаги Дастурий технологиялар парклари жамияти ҳамкорлигида мамлакатимизда IT-парк ташкил этилиши белгиланган эди. 2019 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг шу борадаги қарори қабул

қилиниб, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки қурилиши бошланди. Давлатимиз раҳбари ўтган йил 20 ноябрь куни ушбу паркка ташриф буюриб, бу ердаги шароитлар билан яқиндан танишди. Соҳа ривожига янада кенг шароит яратиш мақсадида IT-паркнинг янги босқичи қурилишига тамал тоши қўйди.

Ҳозирги кунда бу ерда ахборот технологиялари соҳаси бўйича 350 та маҳаллий резидент-корхона фаолият юритиб, 4 минг нафар мутахассис ишламоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда “1 миллион дастурчи” лойиҳасини амалга ошириш бошланди.

2020 — 2024 йилларда 14 та ҳудудда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркнинг филиали ташкил этилиб, резидентлар сонини 3 баробар ошириш ва ходимлар сонини 40 мингга етказиш режалаштирилган. Бунинг натижасида компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми ҳам, экспорти ҳам анча ошади.

Йиғилишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда унинг филиалларини

қуриш, юқори технологияли инфратузилмалар яратиш масалалари муҳокама қилинди.

IT-академия, IT-лаборатория, Коворкинг маркази, Мобил иловалар ишлаб чиқиш маркази, Масофавий ахборот технологиялари марказини барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат буюртмаси асосида соҳа ва тармоқлар учун зарур замонавий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмининг йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Жаҳондаги тенденциялар билан ҳамқадам бўлиб, янги ишланмаларни ҳаётга фаол жорий этиш, етакчи технопарклар билан ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ходимлари ҳамда хорижий мутахассислар учун кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, спорт мажмуалари барпо этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Мутасаддилар қурилиш ва лойиҳалаштириш ишларининг бориши юзасидан ҳисобот берди.

Ў.А.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ

Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг
биринчи ўринбосари:

«ОХИРГИ УЧ ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАТАМОМ ЎЗГАРДИ, БУНИ БУТУН ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА»

Сенат Раисининг
биринчи ўринбосари
оммавий ахборот
воситалари учун
интервью берди.

Унда
Президентимизнинг
Олий Мажлисга
Мурожаатномасида
ифода этилган
устувор йўналишлар,
хусусан, парламент
зиммасидаги вазифалар,
Сенатнинг халқаро
алоқалари хусусида сўз борди.



— Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон парламентининг фаолиятини янада такомиллаштиришга оид чуқур илмий таҳлилларга асосланган фикрлар, ташаббуслар илгари сурилди, — дейди С. Сафоев. — Биз замонавий, рақобатбардош, стратегик ҳамкор, инсон манфаатларини таъминлашни мақсад қилган давлат ва жамиятни бунёд этмоқчи эканмиз, бунда парламентнинг роли тобора ортиб бориши керак.

Ўзбекистон каби ислохотлар жараёнидаги жамиятда бир-бирига ишончсиз, мураккаб, оғир ислохотларни амалга ошириб бўлмайди. Аинан шу ижтимоий ишонч парламент фаолияти билан бевоусита боғлиқ. Чунки бу ишонч бевоусита халқ билан ҳокимият ўртасидаги боғлиқлик манбаидир.



14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ДУНЁ ТАМАДДУНИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТГАН?

Ҳиндистонлик тарихчилар Бобур ҳукмронлик даврини турлича талқин қилса-да, у асос солган сулола ушбу мамлакат тараққиётига бекиёс ҳисса қўшганини эътироф этади. Бобомиз ҳарбий юришлар билан бирга, Агра ва Деҳлида йирик боғлар, ариқ ҳамда ҳаммомлар қурдирди, масжид, мактаблар бунёд қилди. Илм-маърифатга катта эътибор қаратди.



Муносабат

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ЯНГИ БЎЛИШИ КЕРАК

Куни кеча Президентимиз раислигида маҳалла тизимини такомиллаштириш, уларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Мажлисда давлатимиз раҳбари маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммоларга самарали ечим топиш, ҳудудларда тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозимлигини таъкидлаб, ушбу улкан соҳага масъул алоҳида давлат идораси — Маҳалла ва оила масалалари вазирлигини ташкил этиш таклифини билдирди.

Муҳбиримиз соҳага алоқадор айрим мутасадди раҳбарларнинг бу борадаги фикрлари билан қизикди.

3-саҳифага қаранг.

УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

билан аҳолини таъминлашга эришиш асосий мақсадимиздир

Янги Ўзбекистон. Янги сиёсат. Янги ғоя. Янги ташаббус. Бугун мамлакатимизнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилаётган ютуқларда халқимизни янги ҳаёт ҳамда буюк келажақ сари етаклаётган ана шундай амалий тамойиллар мужассам, десак, асло муболаға эмас.

Сўнгги уч-тўрт йилда юртимизда шундай ўзгаришлар бўлдики, буни нафақат халқимиз, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда. Биргина энергетика соҳасида ҳам худди шундай. Бу ҳақда тўхталишдан олдин бундан 7-8 йил аввалги ҳолат хусусида ҳам бир оз сўз юритсак.

Нуқтаи назар

Сир эмас, қишлоқ аҳолисини энг кўп ўйлантираётган масала — бу электр энергияси таъминотидаги беқарорлик, пайдар-пай узилишлар эди. Агар ўша кезлар чекка ҳудудлар, хусусан, Мўйноқ, Томди ёки Чироқчининг олис қишлоғига тунда меҳмон келса борми, ўзини худди ўтган аср бошларига тушиб қолгандек ҳис қилиши беғумон. Бойси мой-чиروқларнинг милтиллаб турган шуъласидангина бу ер аҳоли яшаш пункти эканлигини англаш мумкин эди.

Одамлар билан гаплашсангиз “свят” ўнаверишидан, очиги, умуман ёнмаслигидан безор бўлганликларини айтишар-

ди. Ҳали тўлиқ газлаштирилмаган, ичимлик суви таъминоти билан етарлича қамраб олинмаган жойларда атиги 5-6 соат электр токи берилиши қишлоқ аҳолисининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Бугун-чи?

Ана шундай оғир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан одамларнинг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми истиқомат қилаётган қишлоқларда шарафдагидан қолишмайдиган обод турмуш тарзини қарор топтиришга жиддий эътибор қаратила бошланди.



«Обод қишлоқ» дастури доирасида:

2 560 километр электр узатиш тармоғи ва 808 та трансформатор пункти янгиланган ҳамда модернизация қилинган бўлса, 2 865 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи ва 1 567 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди.



Шу жумладан:

«Обод маҳалла» дастури доирасида:

227 километр узунликда электр узатиш тармоқлари ва 108 та трансформатор пункти янгиланиб, модернизация қилинди, 188 километр электр узатиш тармоғи ва 272 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди.



Содиқ САФОЕВ,
Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари:

«ОХИРГИ УЧ ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАТАМОМ ЎЗГАРДИ, БУНИ БУТУН ДУНЁ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДА»

Охириги уч йилда Ўзбекистон батамом ўзгарди, десак, мубо- лаға бўлмайди. Бу нафақат бизнинг жамиятимиз тан олган ҳақиқат, балки бугун бутун дунёда эъти- роф этилаётган фикрди. Уч йил мо- байнида биз ислохотларнинг бирлам- чи, яъни уларнинг асосини ташкил қилувчи вазифаларни амалга ошир- диқ. Натижада Ўзбекистон замонавий, тараққий этган давлатлар сафига ки- риши учун замин яратилди.

Президентимизнинг 2020 йилни “Илм, маърифат ва рақамли иқтисо- диётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиши нафақат бу йил, балки келажак ўн йилликнинг стратегик ва- зифасидир.

Бу шунчаки йил номи эмас, балки Ўзбекистоннинг келажак тақдирига дахлдор масалалар. Рақамли иқтисо- диёт давлат ривожининг барча соҳа- сига бирдек тааллуқли.

Бугун бутун дунёда авж олаётган тўрттинчи саноат инқилоби биздан та- раққиётга нисбатан батамом бошқача ёндашувларни талаб этмоқда. Илгари- ги меъёрлар, ўлчовлар билан бугунги давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизимига ва айниқса, иқтисодий сиёсатимизда тараққиётга эриша олмаيمиз. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари олдимиз- га қўйган масала ҳаммамиздан ўз ус- тимизда ишлаш, янги сифат даража- сига чиқишни талаб қилади.

Шу ўринда миллий парламентимиз- нинг олдида турган энг долзарб маса- лалар қуйидагилар назаримда. Бирин- чиси, қонун ижодкорлигини такомил- лаштириш. Ўзбекистонда ҳам тўғридан- тўғри амал қиладиган қонунларни жо- рий этиш вақти келди. Яъни қонун қабул қилинганидан кейин у бевосита ҳаётимизга, иқтисодиётимизга, ижти- моий-маданий соҳаларимизга ўз таъ- сирини ўткази оладиган ҳужжат бўли- ши керак. Уни ишлатиш учун қўшимча қарорлар, фармонлар, баъзида бир-би- рига зид келадиган меъёрий ҳужжат- лар қабул қилишга эҳтиёж қолмаслиги лозим. Бу борада янги парламентимиз

олдида жуда муҳим вазифалар туриб- ди. Аввало, қонунларни қабул қилаёт- ганда, депутатларимиз тегишли соҳа- нинг мутахассиси даражасида билим- га эга бўлиши зарур. Масаланинг яна бир томони, Сенатда ҳам бу ҳақда ўйлаيمиз, ҳар бир кўмитанинг қоши- да экспертлар кенгашини таъсис этиш лозим, назаримда.

Бугунги замон қонун ижодкорлиги жараёнларининг очиклигини талаб эта- ди. Қонунларни ёпиқ хоналарда эмас, уни биринчи концептуал кўриб чиқиш босқичидан бошлаб, кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйиш керак. Бу жараён- да нодавлат нотихорат ташкилотлари- нинг фаол иштироки ҳам жуда муҳим.

Қонунлар бевосита Ўзбекистоннинг халқро рейтингларига ҳам ўз таъси- рини ўтказиши керак. Қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларда тегишли халқро нормаларнинг уйғунлашуви, мамлака- тимиз ўз зиммасига олган мажбурият- ларнинг акс этиши долзарб меъёрлар- дан биридир.

Яна бир масала — парламент нazo- рати институтидан самарали фойдала- ниш. Ҳокимият органлари, Ҳукуматнинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари қандай ишлаётганини назорат қилиш, уларнинг халқ билан мулоқотини таъ- минлашда ҳам палаталар вакиллари фаоллик кўрсатиши керак.

Парламентимизга катта ишонч би- дирилиб, илгари бўлмаган — Давлат бюджетини назорат қилиш вазифаси юкланди. Биздан бугун Бюджетномани тўла шакллантириш ва унинг ижроси- ни таъминлаш талаб этилмоқда. Кўп йиллар давомида бу функция юзаси ба- жариб келинган.

Бу йилдан бошлаб бюджет масала- лари нафақат марказда, балки маҳал- ли Кенгашларга ҳам шундай ҳуқуқ берилдики, улар ҳам жойларда бюджет қандай тақсимланаяпти, нима- га сарфланаяпти, устидан назорат олиб боради.

Айни пайтдаги солиқ ислохотлари туфайли жуда катта маблағлар жойлар- да қоляпти. Бу пуллар йўл қурилиши-

гами, мактабгами, боғча қуришгами, соғлиқни сақлаш тизимигами, қаерга сарф қилинаётгани жамоатчилик назo- рати остига олинади.

Жойларда маҳаллий Кенгашлар де- путатларига шундай ҳуқуқлар берилаяп- тики, ўз лавозимига муноносиб давлат идоралари раҳбарларини ишдан олиш ваколати берилмоқда. Шунинг учун ҳам Кенгашлар депутатларидан конъюр- лик, жасорат талаб қилинмоқда.

Охириги пайтларда парламентаризм- нинг нуфузини кучайтириш мақсадида жуда кўп янгиликлар амалга оширил- ди. Шулардан бири Ҳукуматнинг пар- ламент олдида жавоб бериши инсти- тутининг жорий этилганидир. Бунда Ҳукуматга аниқ масалаларни қўйиб, аниқ жавоблар олиш мақсад қилинган.

Аслида Президентимиз бизнинг ол- димизга қўйган энг долзарб масала- лардан бири ҳам шу. Маҳаллий Кен- гашларни ривожлантирмасдан туриб, демократик жараёнларни тўлақонли таъминлаямиз, деб айти олмаимиз.

Давлатимиз раҳбари Сенатнинг би- ринчи мажлисида юқори палата олди- га халқро алоқалар соҳасида ҳам жуда катта вазифаларни қўйди. Сенат фа- қатгина Ташқи ишлар вазирлиги ёки Инвестициялар ва ташқи савдо вази- рлигининг ахборотини эшитиш билан чекланмасдан, мамлакатимиздан тайинланган элчиларнинг фаолияти ус- тидан парламент назоратини амалга ошириш вақти келганини айтиб ўтди. Парламент эшитувларида уларнинг фаолиятига баҳо бериш масаласи қўйилди. Баҳо берганда ҳам, элчилар бевосита ҳудудлар тараққиётга кан- дай ёрдам кўрсатаяпти, инвестициялар- ни қай даражада олиб келмоқда, де- ган саволни дангал қўя олиш лозим- лиги таъкидланди.

Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан чегарадош бўлган ягона давлат. Шунинг учун мин- тақда Ўзбекистоннинг мавқеи ўзгача. Ўзбекистондаги вазият нафақат мам- лакатимиз учун, балки бутун минтақа учун катта таъсир кўрсатади. Бу ҳам

халқро даражада тан олинган бир омилдир.

Бу борада Ўзбекистонда сўнгги йил- ларда бўлаётган, шу жумладан, инве- стицион иқлимни яхшилаш бўйича ўзга- ришлар факатгина Ўзбекистон учун эмас, балки Марказий Осиё учун му- ҳим аҳамиятга эга.

Нимага? Чунки йирик инвесторлар тор миллий иқтисодиёт ҳудуди билан унча қизиқмайди, уларга кенг минта- қавий ҳудуд керак. Улар учун фақатги- на 35 миллионлик Ўзбекистон бозори эмас, балки 100 миллионлик Марка- зий Осиё бозори қизиқроқ. Шунинг учун Марказий Осиё учун Ўзбекистон- да бўлаётган ҳозирги ўзгаришлар ни- хоятда муҳим.

Сўнгги йиллар мобайнида амалга оширилган ишлар, Жаҳон банкининг “Doing business” кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистоннинг рейтинглари қандай ортиб бораётгани ҳақида биласизлар. Сўнгги йил мобайнида ўтган йилдаги- га нисбатан деярли уч баравар кўпроқ инвестицияга Ўзбекистонга келди.

Бу шуни кўрсатаяптики, жараён бор, у тобора мустаҳкамланмоқда. Лекин шу билан бирга, ҳали қилинадиган ишлар ҳам кўп. Бу ҳақда биз, парламент аъзо- лари ҳам бош қотиришимиз керак.

Бундан ташқари, Мурожаатномада Президентимиз БМТнинг Барқарор ри- вожланиш мақсадларига эришиш ма- саласи ҳам парламент фаолиятининг устувор йўналишларида бири экани- га тўхталди. Бу мақсадлар ҳар бир со- хага, ҳар бир ҳудудга етиб боришида айнан парламент масъул этиб белги- ланди. Мен яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчиман. Ҳар икки палата ҳузурда асосий вазифаси БРМга эришишни таъминлашдан иборат бўлган янги қўшма комиссия ташкил этилмоқда. Унинг фаолияти ривожланиш мақсад- ларининг ҳудудларда ижросини таъ- минлашга қаратилади.

Мунисхон ҚАРИМОВА
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Халқ сўзи

Депутат фикри

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҳар биримизнинг вазифамиз

Коррупция иқтисодиётнинг ривож, қулай тadbиркорлик ва инвестиция муҳитини яратиш учун катта тўсиқ ҳисобланади. Бу иллат нафақат бизнинг, балки жаҳон иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий оқибатлари билан зарар келтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра, бар- вақт унинг олдини олишга ўтиш кераклиги- ни таъкидлаб, унга қарши курашишга масъ- ул бўладиган алоҳида орган тузишни тақ- лиф этган эди. Президентимиз ҳузурда қуни кеча бўлиб ўтган йиғилишда ушбу янги тизимнинг ташкил этиш масалалари муҳо- кама қилинди.

Коррупцияга қарши курашишда, биринчи навбатда, давлат органлари фаолиятида ва уларнинг иш жараёнида очиклик, шаффоф- лик бўлиши керак. Ишга қабул қилишда, рух- сатнома ҳамда лицензиялар беришда, дав- лат шуурталари асосида ишлар бажариш- да шаффофлик ва ошкоралик таъминланма- са, бу илатни бартараф этиб бўлмайди.

Шу мақсадда Президентимиз томонидан Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Та- раққиёт дастури билан ҳамкорликда вази- рлик, компания ва ҳокимликларда ички кор- рупцияга қарши чораларни ишлаб чиқу- вчи ва амалга оширувчи “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Хорижий экспертлари жалб этиб, дав- лат хизматчиларининг мулклари ва даро- мади декларация қилиниши бўйича тизим- ни йўлга қўйиш орқали ҳам коррупциянинг

илдизини қирқишга эришилади. Давлатимиз раҳбари томонидан шундай тузилма ташкил этилиши кераклиги айтил- дики, бу тузилма нафақат бу борада давлат сиёсатини амалга ошириши ва мувофиқлаш- тириши, балки коррупцияга қарши курашиш- да барча куч ва воситаларга эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Коррупцияга қарши курашишдаги муҳим бир восита сифатида жамоатчилик назo- ратини кучайтиришимиз зарур. Очиги, юрти- мизда фаолият олиб бораётган 10 миңдан зиёд нодавлат нотихорат ташкилотларининг фаоллиги ва жонбозлиги сезилимаяпти. Бун- га сабаб, ушбу ташкилотлар манфаатини ифода этувчи, давлат билан боғловчи яхлит тизимнинг мавжуд эмаслиги.

Жамоатчилик билан ишлаш тизими халқимизнинг муаммоли масалаларини давлат миқёсига олиб чиқиш ва ҳал қилиш- да натижа кўрсата олмаятапти. Президенти- миз тақлифи билан ташкил этиладиган Жамоатчилик палатаси аҳоли фикрини ўр- нақчи бориши, уларнинг ечимини топишда давлат идоралари олдида аниқ вазифалар- ни қўя билиши зарур бўлади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ва кенг жамоатчилик бир бўлиб, ушбу иллат билан курашмас эканмиз, ривожланиш, ол- динга силжиш бўлмайди. Шунинг учун жа- миёт ҳаётига оид муаммоларни ҳал этишда коррупцияга барҳам берилиши бугунги кун- даги энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мухтор ҲОЖИМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.

Камбағалликни камайтириш омиллари

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида камбағалликни камайитириш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эди. Эътиборлиси шундаки, мамлакатимиз тарихида илк маротаба ушбу масала очикланди ва унинг ечимларини топиш зарурлиги қайд этилди.

Янги қонун лойиҳаси

Таъкидлаш жоизки, микромолиявий хиз- матлар бу борадаги ишларни жадаллашти- ришда муҳим аҳамият касб этади. Биноба- рин, ушбу хизматлар туфайли аҳолини тadbиркорликка жалб қилиш ишлари жадалла- шадди, одамларнинг нафақат бандлиги, балки даромад манбаи ҳам шаклланади. Чунки мик- ромолияялаш хизматлари, хусусан, микроқарз, микрокредит ва микролизинг — ўз номи бил- лан кичик, уни қайтариш имконияти енгил.

Яқинда қўйи палата мажлисида “Микро- молияялаш тўғрисидаги Ўзбекистон Респуб- ликаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида”- ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Ушш, бу ҳужжат аҳолига қандай имконият- лар беради?

Бу билан, аввало, кам таъминланган қат- лам бўлган оилалар томонидан олиннадиган даромад сезиларли даражада ошади. Ҳеч бўлмаганди, мамлакат озиқ-овқат хавфсизли- ги, улар фарзандларининг оқили бўлиши оли- ши ва бошқа бошланғич эҳтиёжлари қонди- рилади. Оила бoқувчисининг касалиги туфай- ли даромаднинг йўқолиши, турли сабабларга кўра мулкидан айрилиши ва бошқа мудҳиш ҳолатларга бардошчилиги ошади. Ишсизлик камаади. Бизнес ривожланиб боргани сари, табиийки, келажакка бўлган ишонч ортади. Юзга келиши мумкин бўлган ижтимоий-иқти- содий, сиёсий ва маънавий-руҳий оқибатлар- нинг олди олинади.

Бундан ташқари, микромолиялаш хизмат- ларининг ривожланиши шаҳар ва қишлоқ ўрта- сидаги тафовулларни йўқотиш ҳамда гендер тенгликка эришишда ёрдам беради.

Микромолиялаштириш соҳасини тартибга солиш бўйича халқро тажриба аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг микромолиявий хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун кредит ташкилотлари салоҳи- ятини ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли, микромолиялаштириш қонун-

чилигини тақомиллаштириш, унинг энг яхши амалиётларини, шу жумладан, масофадан ту- риб хизмат кўрсатиш имкониятлари ҳамда кўрсатилгаётган хизматлар доирасини кен- гайтириш, аҳолида ҳаддан ташқари қарз юки шаклланишининг олдини олиш, уларнинг мо- лиявий саводхонлигини ошириш ва маъзур хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳозирги босқичдаги долзарб йўналишлар бўлиши лозим.

Амалдаги қонунда микрокредит қарз олув- чига тadbиркорлик фаолиятини амалга оши- риш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг миңг баробари, яъни 223 миллион сўм, микроқарз банклар ва микрокредит ташкилотлари томо- нидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бароба- ри, яъни 22,3 миллион сўм, микролизинг тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки миңг ба- робари, яъни 446 миллион сўм берилиши бел- гиланган.

Ўзгариш киритилаётган қонун лойиҳасида эса бу рақамлар микрокредит қарз олувчига тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 300 миллион сўм, микроқарз банклар ва микрокредит ташкилотлари томонидан қарз олувчи жисмоний шахсга 50 миллион сўм, микролизинг тadbиркорлик фаолиятини амал- га ошириш учун 600 миллион сўм сифатида кўрсатилди.

Умуман олганда, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши аҳоли ва тadbиркорлик субъектлар- нининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, тўлов қоби- лиятини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳумоя- сини кучайтиришга хизмат қилади.

Шорофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КЎМИР ЗАХИРАСИ ҚАНЧАГА ЕТАДИ?

- ✓ Республикамиз аҳолисига ҳар йили 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 миң тонна кўмир етказиб берилади.
- ✓ Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ ва Германия дунёда кўмир ёқилгисидан энг кўп фойдаланадиган давлатлар ҳисобланади.
- ✓ Ўзбекистонда бирламчи ёқилги-энергетика ресурслари таркибининг атиги 2,3 фоизини кўмир ташкил этади.
- ✓ Ангрен кўмир кони захиралари бир неча миллиард тоннани ташкил қилади.
- ✓ Агар ҳар йили 50 миллион тонна кўмир қазиб олинадиган бўлса, аниқланган захиралар 50 йилга етади.

Кейинги пайтда бутун дунёда табиий газ, нефть, кўмир каби углеводород хом ашёларини тежаш, қайта тикланувчи ва муқобил энергия манбаларидан фойда- ланишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сабаби аҳоли сонининг ўсиши, турмуш фаровонлиги ресурслар, хусусан, электр энергиясига бўлган эҳтиёжни йил сайин оширмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонда 2030 йилга бориб, электр энергиясига бўлган эҳтиёж 117 миллиард кВт/соатга етishi мумкин. Бироқ электр энергиясининг 85 фоизи айнан табиий газ орқали ишлаб чиқарилаётгани манбалари че- гараланган бу табиий бойлигимизни иқтисод қилишни тақозо этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда газ қий- мати тобора ошиб бораётган табиий за- хиралардан ҳисобланади. Унинг ўрнига нисбатан арзон бўлган ёқилги тури — кўмирдан фойдаланиш энергетика со- ҳасида ишлаб чиқариладиган махсулот-

нинг барқарорлигини таъминлайди. Шу- нинг учун Хитой, Ҳиндистон, Россия, АҚШ, Германия каби давлатларда энг кўп айнан шу ёқилгидан фойдаланиша- ди. Юртимиз аҳолисига эса ҳар йили 1 миллион тонна, ижтимоий соҳа объектларига 400 миңг тонна кўмир етказиб берилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш кўмирга асосланган Янги Ангрен ва Ангрен иссиқлик электр станцияларида 4 миллион тонна қаттиқ ёқилги ёқилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йилнинг 5 мартида кўмир саноатини барқарор ривож- лантириш масалалари бўйича ўтказил- ган йиғилишда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг яқин ҳамда узоқ истиқ- болда кўмирга бўладиган талабини мак- симал даражада қоплаш учун Ангрен ко- нини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Тармоққа замонавий технологиялари

зорий қилиш ва кўмир сифатини оши- риш бўйича топшириқлар берилиди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги “Ўзбеккўмир” акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлиги- ни ошириш чора-тадбирлари тўғриси- да”ги қарори кўмир саноатини келгуси- да барқарор ва мувозанатли ривожлан- тиришга йўналтирилган долзарб вази- фаларни амалга оширишга қаратилган билан аҳамиятлидир. Зеро, ушбу ҳужжатда 2019 — 2023 йилларда иқти- содиёт тармоқлари ва аҳолининг кўмир махсулотларига ўсиб бораётган эҳтиё- жини қондириш юзасидан аниқ чора- тadbирлар белгилаб берилиди.

Таъкидлаш керакки, республикамиз- даги деярли барча электр станцияла- рида табиий газдан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда бошқа ёқилги тури, хусусан, захираси нисбатан бой бўлган кўмирга ўтказиш орқали табиий газ истеъмолини анча камайитириш мумкин.



Қарор ва ижро

Ўзбекистонга қанча кўмир керак ва у неча йилга етади?

Илк босқичда мавжуд электр стан- циялари (барча электр станциялари кўмир таъминотидага ўтишини ҳисобга олган ҳолда) аҳоли, иқтисодиётнинг бошқа асосий тармоқларини ёқилги билан тўлиқ таъминлаш учун 15 — 20 млн. тонна кўмир зарур бўлади. Иккинчи босқичда эса электр энергиясини ишлаб чиқаришни икки баравар ошириш, янги электр станцияларини қуриш, са- ноатнинг асосий тармоқларини ривож- лантириш назарда тутилган тақдирда, эҳтиёж 30 — 50 млн. тоннага етади. Ушбу талабни тўлиқ қондириш учун ҳар йили 50 млн. тонна кўмир қазиб олинган тақ- дирда ҳам аниқланган қаттиқ ёқилги за- хираси 50 йилга етар экан. Бу жуда яхши кўрсаткич. Табиий газ бўйича бундай ва- зият бўлмаслиги мумкин.

50 миллион тонна кўмир, бу қўпми ёки кам? Бу ҳозир қазиб олинётган ёқилги миқдоридан 10 баравар кўп. Фақат ҳулоса чиқаришга шошилмай,

олиш (Coal-To-Clean-Electricity), этанол ишлаб чиқариш (Coal EoEthanol) ва во- дород ишлаб чиқариш (Coal-To-Hydrogen) шулар сирасига киради.

Қисқаси, Ангрен кўмирини қайта иш- лаш дастури доирасидаги маъзур тех- нология кўмир саноатида кластер ву- ждга келишини таъминлайди. Саноат кластери бир жойда турли махсулотлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Натижада кўплаб муаммолар ечимини топади. Асосий масала — ёқилгидан ташқари, Ангрен кластерида махсулот транспортирoвкаси ҳал қилинади. Чун- ки ёқилгини ҳеч қаерга ташиш шарт эмас. Ангрен ИЭС яқинда жойлашган- лиги сабабли ёқилги шу ерда истеъмол қилинади. Кўплаб янги ишлаб чиқариш- ларнинг пайдо бўлиши билан янги иш ўринлари юзага келади. Бу, ўз навба- тида, ёрдамчи иш ўринлари (бозорлар, дўконлар, сартарoшхоналар) пайдо бўлишига туртки бўлади, натижада аҳолини иш билан таъминлаш муаммо- лари ҳал қилинади.

Ангрен энергетик кўмирини бойитиш- нинг асосий имкониятларини аниқлаш мақсадида Навоий кон-металлургия комбинатининг Марказий илмий-тадқи- қот лабораториясида кенг кўламли ил- мий ишлар амалга оширилди. Тадқи- қотлар шуни кўрсатдики, Ангрен кўми- рининг кукун миқдорини камайитириш- нинг энг осон ва самарали йўли — гра- витацияни усули экан. Гравитацияни машинасидадан фойдаланиш кул тарки- бида 25 фоиз ва ундан юқори бўлган концентратлар олиш имконини беради ва тошинг 20 фоиздан 75 — 80 фоиз- гача бўлган қисмини тортиб олади.

Ҳулоса ўрнида айтганда, кўмир энг муҳим энергетика манбаидир. Фақат ун- дан ўз ўрнида фойдаланишимиз зарур.

Қувондиқ САНАҚУЛОВ,
сенатор,
«Навоий кон-металлургия комбиноти» давлат корхонаси бош директори.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАҲАЛЛАСИ ҲАМ ЯНГИ БЎЛИШИ КЕРАК



Раҳмат МАМАТОВ,
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари
фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика
кенгаши бошқаруви раиси, сенатор:

— Бугун маҳалла инсти-
тутини ҳар томонлама ри-
вожлантириш борасида
жуда катта ислохотлар
амалга оширилмоқда. Аммо
шунга қарамаддан, маҳалла-
ларда ҳали-ҳамон салбий
ҳолатлар учрайди. Бу соҳа-
га масъул бўлган ташкилот-
лар фаолиятида жиддий
камчиликлар борлигини
қўрсатади. Айниқса, улар
ўртасидаги узлуксиз ва ти-
зимли ҳамкорликнинг йўқли-
ги, ваколат ва вазифалар
тақсимида тақоррланиш-
ларнинг кўплиги, айрим

ҳолатларда ташкилотлар
ўртасида бир-биридан
қоғозда устунликни
кўрсатиш каби ҳолатлар
кузатилаётганлигини очиқ
айтишимиз керак.
Қолаверса, энг кўпи ти-
зимимиз тарқоқ ва суства-
лик билан фаолият олиб бо-
раётганди. Маҳалла раиси
ўз таълими билан, профи-
лактика инспектори ўз йўна-
лишида, хотин-қизлар бўйи-
ча мутахассис ҳам ўзи бил-
ганича иш тутарди. Қисқа-
си, ягона мақсад учун
хизмат қилиши шарт бўлган
соҳалар ҳар томонга тариқ-
дек сочилиб кетганди. Бу
эса маҳаллалар фаолияти
билан боғлиқ ишларни тўри
ташкил қилишга тўсиқ
бўлаётган эди.

Видеоселектор йиғили-
шида ана шундай долзарб
масалалар муҳокама эти-
либ, яна бир муҳим идора

— Маҳалла ва оила масала-
лари вазирлигини ташкил
қилиш таклифи илгари сурил-
ди. Барчамизни тўлқинлан-
тириб юборган ушбу таклиф
маҳаллаларнинг жамияти-
миз ҳаётидаги мавқеи ва
нуфузини мустаҳкамлаш
ҳамда нурунийлар, хотин-
қизлар, ёшлар ва оилалар-
ни ҳар томонлама қўллаб-
қувватлашда муҳим қадам
бўлди, десак, адашмаймиз.

Ташкил этиладиган ва-
зирлик маҳалладан тортиб
республика даражасигача
40 мингдан ортиқ ходимла-
рини бирлаштиради. Улар-
нинг бир ёқадан бош чиқа-
риб, ягона мақсад йўлида
фаолият кўрсатишларини
таъминлайди. Бошқача айт-
ганда, жойларда узоқ йил-
лар давомида туپланиб қол-
ган муаммоларни ҳал
қилишнинг яхлит ва таъсир-
чан тизими яратилади.

Илёс РАСУЛОВ,
Сирдарё вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси бошқармаси бошлиғи, майор:



— Ўзим уч йил мобайнида
профилактика инспектори ла-
возимида ишлаганман. Қўйи
поғонадаги фаолиятимда кўп
нарсга ўрганганман, десам,
муҳолага бўлмайди. Маҳал-
ладан ортирган ушбу тажри-
ба ҳозирги вазифамда
асқатпти. Чунки маҳалла —
бевосита халқ ичидаги тузил-
ма. Бунда Президентимиз-
нинг Маҳалла ва оила маса-
лалари вазирлигини ташкил
этиш тўғрисида билдирган

таклифларидан сўнг янада чуқурроқ англадик.
Профилактика инспекторига бевосита маҳалла раисининг
ўринбосари макомининг берилиши, шубҳасиз, шу икки тузил-
ма ўртасидаги амалда мавжуд бўлган бир қанча муаммоларга
ечим топади. Муҳими, фуқаролар йиғинида яхлит жамоа муҳи-
ти пайдо бўлади. Натижада тарқоқлик барҳам топади, вази-
фаларни белгилаш, ҳулосалар чиқариш, қарорлар қабул қилиш
ўзаро маслаҳатлашган ҳолда амалга оширилади.

Яна бир муҳим жиҳат, профилактика инспектори хизмат
доирасидан ташқари топшириқлардан ҳалос қилинишидир.
Ушбу қонданнинг жорий этилиши инспекторнинг маҳаллада жи-
ноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги
вазифасини тўлақонли бажаришини таъминлайди.

Ўктамжон ОХУНОВ,
“Нуроний” жамғармасининг
Анджон вилояти бўлими
кенгаши раиси:



— Куни кеча ўтказилган видео-
селектор йиғилишида янги вазир-
лиқни ташкил қилиш таклифи биз,
нурунийларни ҳам ғоятда қувон-
тирди. Сабаби маҳалла ишини
ташкил этиш, оилалардаги маъ-
навий муҳитни барқарорлашти-
риш, ёшлар тарбиясида кекса-
ларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки улар катта ҳаётий тажри-
бага, билим ва кўникмага эга.

Афсуски, ушбу тизимда ана шу жиҳатлар ҳозиргача тўлиқ
ифодасини топмаётганди. Тўғри, оилалардаги ажримлар,
ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликлар масалалари муҳокама-
ларида кўп иштирок этамиз. Ишламадик, дея олмайман. Лекин
мақсадимиз бир бўлса-да, аврагани ҳар томонга тортган-
нимиз ҳам рост. Натижада ҳамкорлик самара бермади. Ма-
ҳалла ва оила масалалари вазирлигининг ташкил этилиши
соҳадаги муаммоларни бартараф қилади.

Вазирликнинг Кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбо-
сари “Нуроний” жамғармасига ҳам раислик қилиши ана
шу тажрибани маҳалла тизимида шакллантиришга хизмат
қилади.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат
ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси
аъзоси:

— Маҳалла тизимини
такомиллаштириш, маҳал-
лаларда тинчлик-осойиш-
талиқни мустаҳкамлаш,
жиноятчиликнинг олдини
олиш масалалари бугун
ҳар қачонгидан долзарб-
дир.

Бирок йиғилишда айтиб
ўтилганидек, бугунги кун-
да кўплаб фуқаролар
йиғини турли ташкилотлар
ёки тадбиркорларга те-
гишли биноларда жойлаш-
ган, айрим маҳалла бино-
лари авария ҳолатида, ма-
ҳалла бинолари учун ком-
мунал тўловларни тўлаш
бўйича мақбул ва ягона
тартиб ишлаб чиқилмаган.
Президентимиз мавжуд

муаммоларни бартараф
этиш мақсадида Маҳал-
ла ва оила масалалари
вазирлигини ташкил
этиш таклифини илгари
сурди. Ушбу йўналишда-
ги вазифалар аниқ бел-
гилаб берилди.

Янги вазирлик, шуб-
ҳасиз, мамлакатимизда
ўзининг самарали меха-
низми орқали барча
жабҳада, яъни ҳудудлар-
да ижтимоий-маънавий
муҳит барқарорлигини
таъминлаш, тинчликни
сақлаш, аҳолининг осуда
яшашини қафолатлашда
тизимли ишларни амалга
оширади. Хотин-қизлар
билан ишлашга устувор



аҳамият қаратилади. Бу
эса опа-сингилларимиз-
нинг жамиятдаги, оилада-
ги мавқеини мустаҳкам-
лаш, илғор ғоя ва ташаб-
бусларини қўллаб-қувват-
лашда долзарб ўрин
тутади.

Наима ЖАББОРОВА,
Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги
“Катта Қорасув” маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Видеоселектор йиғилишида иш-
тирок этар эканман, давлатимиз
раҳбарининг маҳалла раислари меҳ-
натини эътироф этган ҳолда, уларнинг
зиммаларига ваколатларига кирмайдиган
жуда кўп вазифалар юклатилганини
алоҳида айтиб ўтди. Шу билан бир-
га, атиги 2 штат бирлигига эга раис-
лар кун бўйи турли мажлисбозликлар-
га жалб этилишини танқид қилиб, улар
фаолиятидан яна қандай самара ку-
тиш мумкинлиги тўғрисида ҳеч қайси
мутасаддилар ўйлаб кўрмаганликлари
ҳақидаги фикрлари биз, маҳалла
раисларини қаттиқ ҳаяжонга солди.

Янги тизимда фуқаролар йиғинлар-
нинг фаолиятига хос бўлмаган
50 дан ортиқ вазифалар бекор қили-
ниши, маҳалла раисига қўшимча
ҳуқуқлар берилиб, мақоми ва обрўси
кучайтирилиши, қувончлиси, 22 март
— Маҳалла тизими ходимлари кун
сифатида белгилангани фаолиятимиз
самарадорлигини оширишда муҳим
омил бўлади, албатта.

Эндиликда биз, маҳалла раислари
ўз ишимизни танқидий назар билан



қайта қўриб чиқишимиз, Юртбошимиз
томонидан билдирилган ишончни ўз
амалий меҳнатимиз билан оқлаши-
миз керак.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

ГЛОБАЛ ИСИШГА ҚАРШИ ТАДҚИҚОТЛАР

олимларимиз зиммасига улкан масъулият юклайди

Олимлар томонидан
2015 йилдаги ҳаво ҳарорати
ўн тўққизинчи асрга нисбатан
1°C юқори экани қайд этилган. Об-
ҳавонинг 2°C га ошиши шундай сал-
бий экологик жараёнларга олиб ке-
ладики, уларнинг оқибатларини тўғри-
лашнинг иложи қолмайди. Ҳозирги
кунда атмосферада иссиқхона гази-
нинг ортгани боис Арктика музлари
эриб кетмоқда, чўл зоналарининг
кўпайиши, об-ҳаво шароитининг кес-
кинлашиши, ўрмон ёнгинларининг
кўпайиши кузатилмоқда. Бу, ўз навба-
тида, озиқ-овқат ва сув ресурслари
ҳавфсизлигига таҳдид солади, иқти-
содий бўҳронга олиб келади.

Қазилма ресурсларини ёққанмииз
сари атмосферадаги CO₂ концен-
трацияси ошиб бораверади. Бу табиий
иссиқхона эффектини кучайтириб,
сайёранинг иссиқлиги олиб келади.
“Аниқ илмий маълумотларга таяниб
айтиш мумкинки, CO₂ ва бошқа
иссиқхона газлари камаймаси, иқлим
ўзгариши Ер юзиде ҳалокатга олиб
келади”, дейди Жаҳон метеорология
ташкilotи (WMO) бош котиби Петтери
Таалас.

Умуман олганда, глобал исиш
қишлоқ ҳўжалиғи эканлари ҳўсилдор-
лиғига, айниқса, гўзага тўғридан-тўғри
салбий таъсир кўрсатади. Биринчи
муаммо шуки, тунги ҳароратнинг
юқори ва нотўғрунлиғи оқибатда гул-
чанги ҳўжайраларининг абнормал ри-
вожланиши туфайли гўза шоналари
бирварақайига тўқилиб кетмоқда. Гўза
гуллари кўскача айлланиши учун гул
тўлақонли чанглланиши лозим, чанг
ҳўжайралари кечки ҳарорат 19 — 22°C
бўлишини талаб этади. Агар ҳарорат
кўтарилса ёки турғунлик йўқолиб,
ҳарорат амплитудаси кенгайса, унда
чанг ҳўжайралари нобуд бўлади ва гул
чангланмайди. Бу глобал исишнинг
гўза ҳўсилдорлиғига катта зарари
бўлиб, охириги йилларда Ўзбекистон-
да буни яққол кузатиб турибмиз.

Иқкинчидан эса, глобал исиш ўсим-
ликлар физиологиясига катта таъсир
қилиши ва уларнинг минерал ўғитлар-
га талабини ўзгартирганлиғи билан
боғлиқ. Ҳавода CO₂ газининг кўпайи-
ши ва иссиқ ҳарорат ўсимликларда,
жумладан, гўзада ҳам фотосинтезни
жадаллаштиришга олиб келади. На-
тижада баргда кўп миқдорда глюкоза
синтези ҳўсил бўлади. Бу жараёнда
сув илдиздан тепага, глюкоза эса
баргдан илдизга нитрат насослари
ёрдамида ҳаракатга келади.

Демак, CO₂ газининг кўпайиши ва
фотосинтезнинг тезлашиши ўз-ўзидан



“ Олимлар томонидан 2015 йилдаги ҳаво
ҳарорати ўн тўққизинчи асрга нисбатан
1°C юқори экани қайд этилган. Об-ҳавонинг
2°C га ошиши шундай салбий экологик
жараёнларга олиб келадики, уларнинг
оқибатларини тўғрилашнинг иложи қолмайди. ”

нитратлар сўрилишининг жадаллаши-
шига олиб келади. Яъни глобал исиш-
дан олдинги даврда ўсимликлар кам-
роқ нитрат ўзлаштирган бўлса, энди-
ликда бу талаб бир неча марта ошган.
Бундай шароитда деҳқончиликда аъ-
навий қўлланилиб келинаётган нит-
рат-фосфор-калий (НФК 1:0,7:0,5)
ўғитлаш нисбатлари аллақачон ўзга-
риб кетган. Бу эса гўза ҳўсилдорлиғи-
га катта салбий таъсир кўрсатмоқда.

Глобал исиш шароитида янги
ўғитлаш нисбатларини ишлаб чи-
қиш мамлакатимиз агрокимёгар-
лари ва ўсимликлар физиология-
си соҳасидаги илмий мактаблар-
нинг устувор вазифасидир. Бу бо-
рада тематик лойиҳаларга танловлар
эълон қилиниб, янги йўналиш-
да тадқиқотлар шакллантирилмоқда.
Атмосферадаги CO₂ дан кўпроқ уг-
лерод олиб, олинган углеродни одат-
дагидан кўпроқ вақт ер тағида сақ-
лаш учун суберин полимери синтези-
га асосланган янги экин турлари
яратиш устидаги тадқиқотлар ҳам
эътиборимиз марказида бўлади. Бу
борада илғор тадқиқотлар олиб бо-
рилмоқда ва дастлабки натижалар
қувонарлидир.

Фанлар академиясининг Геномика
ва биоинформатика маркази олимла-
ри томонидан “ген-нокаут” техноло-
гияси асосида “Порлок” сериясининг
янги пахта навлари яратилган бўлиб,

улар юқори даражада ривожланган,
узун илдиз тизими туфайли бошқа
пахта навларига нисбатан сув
танқислиғи ва тупроқ шўрланишига
чидамлилиғи билан ажралиб туради.
Ундан ташқари, сўнгги тадқиқотлар
“Порлок” навларида фотосинтез
жараёни анъанавий пахта навларида-
гидан бир неча марта тезроқ юз бе-
ришини тасдиқлади.

Ҳозирги кунда марказ олимлари
озик-овқат сифатига салбий таъсир
қилмайдиган, фақат ўсимликларнинг
илдиз тизими ривожланишига таъсир
кўрсатиши мумкин бўлган янги ге-
нларни ўрганмоқдалар.

Албатта, бундай ташаббусларни
қўллаб-қувватлаш ва амалиётга жорий
этиш учун сиёсатчилар, иқтисодчилар,
ҳукумат ва ҳусусий сектор вакилла-
рини жалб қилиш муҳим саналади.
Бунда юртимиз раҳбари олдиндан
қўриб, барча мутасадди ташкилот ва
тадқиқот марказларини бир-бирига
боғлаб, илм-фаннинг тўрт йўналиши
қаторида биология ва кимё фанлари-
ни мамлакат учун ривожланиш йўли
сифатида белгилаб берди. Эндиги ва-
зифа шу йўлдан оғимшай ишлаш ва
тезроқ натижадорликка эришишдир.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш вазирлиги,
академик.

ЭЪЛОН

Танловда қатнашиш истагини билдирган юридик шахслар диққатига!

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 347-сонли қарорига асосан, Айдар — Арнасой кўллар тизимининг бўш сув ҳавзалари контурларини танлов асосида ижарага бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилиши маълум қилинади.

Танлов ташкилотчиси: **Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» ДУК.**
Манзили:
Телефонлар:
Электрон почта:

Танлов предмети: Айдар — Арнасой кўллар тизими сув ҳавзасидаги 1901,4 гектардан 2091,7 гектар-
гача бўлган жами 94 та участкани балиқ овлаш ҳўжаликларига саноат балиқ овлашини амалга ошириш
учун 10 (ўн) йил муддатга «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси орқали очиқ танлов асосида
ижарага бериш.

Талабгорлар электрон танловда қатнашиш учун закат пулини, ижарага бериладиган сув ҳавзаси
контурининг ижара тўловини йиллик таянч ставкасининг 5 фоизи миқдорида танлов ташкилотчисининг
қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиб беради:

«Ипотека-банк» АТИБ «Меҳнат» филиали, х/р: 2021 0000 3007 9230 2001,

МФО: 00423, СТИР: 305 004 780.

Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш
маркази» ДУК (электрон танловда иштирок этиш учун тўлов).

Электрон танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ариза ва унга илова қилинадиган
ҳўжатларни электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

1. Танловда иштирок этиш учун талабгорнинг тўлиқ номи ва жойлашган манзили (почта манзили, СТИР) кўрсатилган, белгиланган тартибдаги ариза.
2. Балиқ овлашни амалга ошириш бўйича бизнес-режа.
3. Балиқ овлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш учун юридик шахс тасарруфда бўлган моддий-техника воситаларининг (русуми кўрсатилган қайиқлар, моторлар, овлаш қуролилар, автотранспорт воситалари, балиқ ҳамда балиқ маҳсулдорлигини сақлаш учун совитиш ускуналари ва ҳоказо) мавжудлиғи ҳақида маълумотлар.
4. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар комплекси.

Электрон танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган юридик шахслар «E-IJRO AUKSION» оператордан қуйидаги маълумотларни олишлари мумкин:

1. Танловда қатнашиш шартлари, талабгорлар томонидан тақдим қилинадиган ҳўжат ва маълумотлар рўйхати.
2. Танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибдаги буюртманом ва ариза намунаси.
3. Танловга қўйилган сув ҳавзаси участка (контур)лари рақами, номлари, жойлашган ўрни, майдони ва сув ҳавзасининг ўртача балиқ маҳсулдорлиғи.
4. Участканинг харита-схемаси билан талабгорлар «E-IJRO AUKSION» лотда танишишлари мумкин.

Танлов ўтказилиши тўғрисидаги билдиришнома веб-порталда танловларни ўтказишдан камида 15 календарь кун олдин жойлаштирилади.

Электрон танловда қатнашишга иштирокчилардан аризаларни қабул қилиш танлов объекти жойлаштирилган кундан бошлаб амалга оширилади ва танловни ўтказиш санасидан икки кун олдин соат 13.00 да якунланади.

**«Айдар — Арнасой кўллар тизими дирекцияси»
давлат унитар корхонаси.**

Ушбу жойда

Сизнинг рекламangиз
бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»**даги**

Реклама

бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

БОБУР ВА БОБУРИЙЛАР ДУНЁ ТАМАДДУНИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТГАН?



Бугунги кунда Бобур ва бобурийларга тааллуқли кўплаб моддий бойлик ҳамда асарлар, қўлёзмалар дунё бўйлаб кенг тарқалган. Масалан, унга тегишли ноёб қилич Нью-Йоркнинг Метрополитен музейида сақланади. Бобомизга инъом қилинган Қўхнур олмоси эса Буюк Британия киролик оиласи томонидан тасаруф этилади. Буюк саркарда ва давлат арбоби Бобурнинг тарихий ашёлари дунё музейлари ҳамда шахсий коллекциялардан жой олган.

Шунингдек, Ҳиндистонда ҳам Бобур ва бобурийларга тегишли буюмлар, тарихий манбалар жуда кўп. 1528 йилда ёзилган “Девони Бобур”нинг асл қўлёзмаси ва 1640 йилда чизилган “Шахзода Доро Шукунинг тўй маросими” миниатюрасининг нусхалари шулар жумласидан. Ушбу ноёб асарлар нусхалари Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги кўмагида мамлакатимизга олиб келинди.

Захириддин Мухаммад Бобур Ҳиндистон тарихида алоҳида ўрин олган шахслардан бири, — дейди ижтимоий фанлар доктори, филолог-шарқшунос Наки Аббос Каифи (Ҳиндистон). — Шох ва шоир, унинг авлодлари Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ривожига муносиб ҳисса қўшган. Бобурийлар кўплаб ишлотлар бунёд қилди. Ҳинд халқи улар билан ҳамиша фахрланиб келган.

Ҳиндистонда 1774 йилда ташкил этилган Рампур Раза кутубхонасида Бобурга тегишли кўплаб қўлёзма, нодир экспонатлар сақланади. Музейнинг бобурийлар даври тарихи, адабиёти ва санъати билан боғлиқ бўлими кўпчиликда алоҳида қизиқиш уйғотади. Машҳур “Девони Бобур”нинг асл нусхаси ҳам шу ерда сақланмоқда. Унда Бобур ўз қўли билан битган сатрлар мавжуд.

— Бобурийлар Ҳиндистон тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахслардир, — дейди Рампур Раза кутубхонаси масъул котиби Санам Али Хон. — Бу тарихий ҳақиқат. Бобурий подшоҳлар илим-фан, бунёдкорлик соҳасида бошқаларга ўрнатган ҳисобланади. Улар ҳомиёлиликда қурилган бинолар бугун Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш халқларининг фахридир. Шунингдек, бобурийлар ақлзаковат, ижодий ишларда кўпчиликка ўрнатди. Ушбу сулола вақиллари томонидан қолдирилган бебаҳо маънавий мерос — ҳинд ва ўзбек халқлари бойлиги. Рампур Раза кутуб-

хонасида сақланаётган Бобур ҳамда бобурийлар сулоласига оид тарихий ашёлар маданий илдишларимиз, тарихимиз ўқашлигидан далолат.

— Кутубхонамизда Бобур ва бобурийларга оид кўплаб асарларнинг асл қўлёзма нусхалари сақланади, — дейди кутубхона катта техника ходими Сайид Тарик Азхар. — Ушбу маданий мерос намуналаридан дунё аҳлини баҳраманд қилиш мақсадида турли нусхалар олиниб, уларнинг рақамли формати шакллантирилмоқда. Келажакда бу борадаги ишларни Ўзбекистон билан давом эттириш, ҳамкорликда кўргазмалар ташкил қилиш ва тарихий обидаларни сақлаш соҳасидаги саёй-ҳаракатларни бирлаштириш ниятидмиз.

Дарҳақиқат, халқлар ўртасидаги маънавий-маърифий, илим-фан соҳасидаги яқинлик буюк аждодлар қурдирган иморатларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, “Қизил қалъа”, “Кўҳна қалъа”, Аградаги “Тожмаҳал” ва Акбаршоҳ мақбараси каби мажмуалар Ҳиндистон ва Ўзбекистон умумий тарихи, маданий аъёнлари ҳақида сўзлайди.

Қайд этиш жоиз, замонавий Покистон ҳудудида ҳам бобурийлар томонидан қурилган 10 дан ортиқ машҳур ишлотлар сақланган бўлиб қолган. Жумладан, Шохжаҳон даврида қурилган Акбар саройи, Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Лаҳорда қад қўтарган Бадшохи масжиди бобурийлар салохиятидан дарак беради. Хусусан, 1673 йилда қурилган Бадшохи масжиди катталиги жиҳатидан 1986 йилга қадар дунёда биринчи ўринда турган эди.

Бобурийлар сулоласининг буюк намоёндаларидан Акбаршоҳ даври обидаларидан бири — Лаҳор қалъасидир. У 1566 йилда барпо этилган. Жаҳонгир ҳукмронлиги даврида қурилган “Хирон-минор”, Жаҳонгир мақбараси, Шохжаҳон ҳукмронлиги йиллари барпо этилган Шохжаҳон масжиди ва Шалимар боғлари жаҳон меъморийчилигининг нодир дурдоналаридир. Шалимар боғлари 1981 йилда ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш керак, Покистон ҳудудида бобурийлар томонидан бунёд этилган ишлотларнинг катта қисми Лаҳор шаҳрида жойлашган. Бундан кўриниб турибдики, ушбу шаҳар ўз даврида бобурийларнинг йирик ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий марказларидан ҳисобланган.

Юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида тарихимизни, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва уларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ёшларни буюк аждодлар қолдирган мерос ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилляпти.

Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари томонидан қолдирилган бебаҳо илмий ва маънавий-маданий мерос эса буюк бобокалонларимиз билан фахрланиш, юртни, Ватанини севиш туйғуларини янада бўш урдиради.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
«Дунё» АА.

Ҳар байтида кўнгил ҳайрати

**Одам борки, истагай ардоқ,
Вале ҳар ном элда дostonмас.
Шoирлар кўп, шoҳлар ҳам, бироқ
Дўстлар, Бобур бўлиш oсонмас.**

**Бу оламнинг шoҳлари ичра,
Ҳеч кимда йўқ Бобур баёти.
Шунча азoб, oҳлари ичра
Ибрат эрур Бобур ҳаёти.**

**Тангри асли ул зотни Ҳиндга,
Фотиҳ эмас, бахт қилиб бермиш.
Тoжмаҳални азал-абадга,
Гўзалликка тахт қилиб бермиш.**

**Қирқ етти йил умрини доғлаб,
Қирқ етти минг азoбдан айтди.
Дил шаҳрини қонда чирoғлаб,
Шеър сеҳри-ла ғазабдан қайтди.**

**Ҳар байтида кўнгил ҳайрати,
Ҳар мисраси — қалб ғавҳаридир.
“Бобурнома” — Ватан суварати,
Шоҳ ва шоир шoҳ асаридир.**

**Навоий бор, шарафда ўзбек,
Миллат бўлиб гурурда яшар.
Андижондан порлаган нурдек,
Бобурни ҳам ардоқлар башар!**

**Жаҳонгирлар кўпдир дунёда,
Лек Бобурдек қалби жаҳонмас.
Қаҳри эмас, меҳри зиёда,
Дўстлар, Бобур бўлиш oсонмас.**

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

Қадами етган жойни обод қилди

Соҳибқирон Амир Тему́р ҳазратларининг бунёдкорлик йўлида қилган ишлари унинг авлодларига аънава бўлиб қолган. Бундан буюк бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур ҳам четда қолмаган. Улуг саркарда ва шоир вафотидан кейин қарийб беш аср вақт ўтишига қарамай, Бобур ҳазратлари ҳамда унинг авлодларидан қолган тарихий ва маданий мерос ханузгача жаҳон халқларини ҳайратга солиб келмоқда.

Бобурнинг Мовароуннаҳрдаги ҳаёти нотинч, асосан, жангу жадаллар билан ўтганлиги боис мазкур ҳудудда унинг номи билан боғлиқ ишлотлар жуда кам. Буюк саркарда қурдирган биргина Тахти-Сулаймон жоме масжиди биноси бугунги кунгача сақланиб қолган, холос. Мўъжазгина, маҳобатсиз мазкур ишлоот Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида — Сулаймон тоғининг баланд қоялари устига қурилган. Шу боис унга чиқиб бориш анча мушкул.

Бобур Мирзонинг бутун қурувчилик санъати Ҳиндистон ва Афғонистонда гуллади. У Агра, Деҳли, Аюдхия ва бошқа кўп жойларда жоме масжидлар барпо қилди. Бобур ҳазратларининг қадамлари етган жойда, албатта, бирон из қолган. Шулардан бири Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида бунёд этилган ажойиб, таровати бетакрор боғ — “Боги Бобур”дир. Боғдаги жоме масжид, ҳовуз, ариқлар ва бошқа бинолар сарик мрамрдан барпо қилин-

ган. Қобулга қадам ранжиди этар экан, бу ернинг об-ҳавоси, иқлими, беоёни яилловлари, шифобахш сувлари уни ҳайратда қолдиргани “Бобурнома” асарида қатор-қатор қайд қилинган. Мазкур боғдаги етти иқлимдан келтирилган анвойи гуллар, мевали ва манзарали дархатлар ханузгача пойтахт шаҳарнинг кўрки ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “Боги Бобур” сайилгоҳ бўлиб, бу ерда давлат, жамоатчилик томонидан турли оммавий анжуманлар ўтказилади. 2018 йил сентябрда бизга ҳам Бобур қабри ва боғини зиёрат қилиш насиб этди.

Ашраф АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси Шарқшунослик
институты етакчи илмий ходими,
тарих фанлари доктори,
профессор.

УЗЛУКСИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

билан аҳолини таъминлашга эришиш асосий мақсадимиздир



Президентимиз ҳар бир чиқишида, ўтказётган йиғилишларида, умуман, барча барча учрашув ва мулоқотларда одамларни рози қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, яшаш даражасини оширишга, жумладан, аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш, бунинг учун соҳага илғор технологияларни жалб қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб, бу борада эскича услублардан воз кечган ҳолда, янгича ёндашувлар асосида ишларни олдимизга қатъий вазифа қилиб қўйдилар.

Давлатимиз раҳбари парламентга йўллаган Мурожаатномасида ҳам айтиш шунлар хусусида тўхталиб, иккинчи шунлар қатор муҳим тармоқлари, хусусан, энергетика соҳасини тубдан такомиллаштириш, ушбу муҳим тармоқларни тўлиқ рақамлаштириш лозимлигига ургу бердилар.

Топган “движок”, топмаган эса мойчирок эди...

Энергетика йўналишида олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида охириги йилларда нафақат пойтахтда, балки қишлоқларда ҳам одамларни қийнаётган муаммолар секин-аста ечимини топиб, юртимизнинг узок манзилларида ҳам ҳаёт жонлана бошлади.

Натيجида қадди букилган симёғочлару унинг салкиб қолган симларини янгилаш, базур ишлаб турган трансформатор пунктларини модернизациялаш ишлари жадаллашга кетди. Бу эса, содда қилиб айтганда, топган “движок”, топмаган мойчирокнинг хира ёдусига қунибди қолган одамлар қалбиди умид учкунларини ёлқинлантириб юборди.

Соҳадаги туб ўзгаришларда давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида бизнинг йўналишда татбиқ этилган ҳужжатларнинг энг муҳимларидан бири бу Президентимизнинг ўтган йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислот қилиш стратегияси тўғрисида”ги қароридир.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, электр энергиясини яқиний истеъмолчиларга тақсимловчи ҳамда сотувчи ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини бошқаришни амалга оширувчи “Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти ташкил этилди. Мазкур жамият таркибига 16 та корхона киритилган бўлиб, шундан 0,4-6-10-35-110 кВт кучланишли электр тармоқларини эксплуатация, шунингдек, ушбу объектларнинг ривожланиши доирасида янги қурилиш, реконструкция, модернизация, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини бажарувчи 14 та ҳудудий электр тармоқларидан иборат.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган давлат дастурлари асосида мамлакатимиз бўйлаб электр тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини таъмирлаш ва реконструкциялаш ишлари жадал суъратларда олиб бориляпти.

Мисол учун, Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги “2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация ва янги қуриш дастури тўғрисида”ги қарори асосида ўтган йили 7 289,1 километр узунликдаги электр тармоқлари ҳамда 2 701 трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинди. Биргина 2015 йил билан таққослаганда, 840,67 километр узунликдаги электр тармоқлари ҳамда 619 та трансформатор пункти модернизация ва реконструкция қилинганди.

Ободлик ва бунёдкорликка йўғрилган лойиҳалар

Кейинги пайтларда “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” каби бунёдкорликка йўғрил-

ган лойиҳаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш амалиёти барчанинг, айниқса, халқнинг кўнглидан чуқур жой олмоқда. Сабаби ушбу ташаббуслар ортида инсон тақдири ва уларнинг яхши ҳаёт кечиршини таъминлашдек эзгу мақсад ётибди. Давлатимиз раҳбари гоёлари асосида жорий қилинаётган ушбу тизим бугун ўзини тўла оқлади, дейиш мумкин.

Худди шундай биз ҳам ушбу лойиҳалар рўёбига ўз хиссамизни қўшиш ниятида бир қатор чора-тадбирларни амалга оширдик. Жумладан, қишлоқ ҳудудлари инфратузилмасини яхшилаш мақсадида “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2 560 километр электр узатиш тармоқлари, 808 та трансформатор пункти янгидан қурилди. Бундан ташқари, 2 865 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ҳамда 1 567 та трансформатор пункти мукамал таъмирланди.

Бу борадаги ишларимиз “Обод маҳалла” дастури доирасида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Ушбу дастур ижросини таъминлаш борасида 227 километр узунликда электр узатиш тармоқлари ва 108 та трансформатор пункти янгиланди. 188 километр электр узатиш тармоқлари ва 272 та трансформатор пункти эса мукамал таъмирдан чиқарилди.

Электр ускуна ва тармоқларини янгилашда замонавий технологияларни қўллаш энг муҳим масалалардан биридир. Шу боис таянчда ўрнатилган герметик трансформаторлар, изоляцияланган СИП симлардан фойдаланиш натижасида электр энергиясини узатишда тармоқдаги йўқотишлар ва инсон ҳаётига хавф солувчи омилларнинг олди олинмоқда. Татбиқ этилган ҳужжатларнинг энг муҳимларидан бири бу Президентимизнинг ўтган йил 27 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислот қилиш стратегияси тўғрисида”ги қароридир.

Ушбу ишларни амалга ошириш тўғрисида республикамиз ҳудудларидаги 1,6 мингдан ортиқ маҳалла ва қишлоқлардаги 1,7 млн. нафардан зиёд аҳоли хонадонлари, шу жумладан, “Обод қишлоқ” дастури доирасида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида



босқичида аҳоли билан, уларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг мутлақо ўзгача тизими йўлга қўйилди. Аввало, барча давлат ва жамоат ташкилотларида фуқаролардан ўзларига тааллуқли масалаларни қабул қилиш ҳамда ўрганиш мақсадида “Ишонч телефонлари” ташкил этилди.

Айни пайтда ушбу тизим орқали фуқароларнинг муурожаатлари, улар ортида турган муаммолари ўрганилиб қаноатлантирилаётганини ўз самарасини бермоқда. Бу халқнинг давлат идораларига бўлган ишончини ошириш, эртанги истиқболли кунга умид уйғотди, десак, тўғри бўлади.

“Ҳудудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти томонидан жисмоний ва юридик шахслардан ке-

кўрсаткични янада ошириш, яъни 7 миллион нафар истеъмолчи ушбу тизимга тўлиқ улалиши таъминланади.

Тахлилларга кўра, мазкур тизимнинг синов лойиҳасини амалга ошириш давомида истеъмолчилардан фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ тўлаш даражаси 99 фоизгача ўсди. Бу эса келажакда истеъмолчи ва етказиб бериучи ўрта-сидаги ҳисоб-китоб тизими орқича муаммолардан холи бўлишини таъминлайди.

Булар амалга оширилган ишлардан бир парча, холос. Албатта, ҳали олдинда қиладиган ишларимиз ҳам кўп. Соҳада узок йиллар тўпналиб қолган муаммоларни ҳам босқичма-босқич ҳал этиш учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган.

Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси, ўтган даврдаги видеоселектор йиғилишларида ҳам қабул қилинган қарорларида белгилаб берилган топшириқлардан келиб чиқиб, тизимда бир қатор ишларни рўёбга чиқаришни мақсад қилганимиз.

Хусусан, жорий йилда 9 304,7 километр узунликдаги электр узатиш тармоқлари ва 3 364 та трансформатор пунктларида модернизация ҳамда янгилан ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Маҳаллийлаштириш дастурига кўра, ўтган йили электр тармоқлари корхоналари таркибиди 4 та темир-бетон таянч ишлаб чиқариш заводи ташкил этилди.

Бу йил ушбу ишлар давом эттирилиб, соҳа учун зарур ускуналар ишлаб чиқарувчи яна 8 та корхона ташкил этилди. Натижада улар сони 12 тага етказилди. Бу, ўз навбатида, жойларда эскирган симёғочларни темир-бетон таянчларга алмаштириш ишларини жадаллаштиради.

Қолаверса, ҳудудий электр тармоқларининг моддий-техника базасини ривожлантириш масаласи эътиборимизда бўлади. Шу мақсадда ўтган даврда 100 та ямбурб махсус техника олиб келинган бўлса, 2020 йилда тармоқ корхоналарининг моддий-техника базасини янгилаш бўйича қўшимча равишда 34 дона автолаборатория ҳамда 14 дона автокан харид қилиниши кўзда тутилган.

Буларнинг барчаси, пировардида, аҳолини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ишларини янги босқича олиб чиқишда, қузиқ мавсумида ҳудудларда содир бўлаётган электр энергиясидаги узилишлар ва бошқа муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Улугбек МУСТАҒОЕВ,
«Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ
бошқаруви раиси.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 64 208 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.



Тахриратта келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахриратта компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон қўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.05 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6